

Макка шаҳрида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суратлари

20:21 / 27.04.2016 4103

САВОЛ: Айтишларича, Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суратлари бор экан. Фақат юзларини кўрсатиш мумкин бўлмаганлиги учун парда тортиб қўйилган экан. Шу гап ростми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Йўқ, бу гап рост эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик пайтларида у кишининг суратлари чизилмаган ва олинмаган. Балки олиниси мумкин ҳам эмас. Бу – одамларнинг ўйлаб топган ҳар хил уйдирма гаплари бўлиб, мутлақо нотўғридир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобаи киромлар, мўътабар олимларимиз ва ўша вақтда ўтган шахсларнинг суратлари чизилмаган. Сурат мутлақо ҳаром бўлган. Шунинг учун бунақа гапларни кўтариб юрмаслик керак. Чизилган бўлса, нотўғри иш қилинган бўлади. Мисол учун баъзи бир жойларда Алавий номли тоифалар томонидан ҳазрати Алининг суратларини чизиб қўйишган. Ҳар ким, қандайдир бир шакл маъносида ҳар хил қилиб чизади. Булар ҳам мутлақо мумкин эмас. Шариатда бунга умуман рухсат берилмаган. Бундай гаплар қанча бўлса ҳам, ким айтса ҳам ишонмаслик ва эътиқод қилмаслик ҳамда буни «бўлиши мумкин эмас» нарса сифатида қабул қилиш керак. Валлоҳу аълам.